АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТАБАҚАЛАНИШИ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ФИСКАЛ СИЁСАТ: РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАР КЕЙСИ

Восиқов Улуғбек Алишерович,
Тошкент кимё халқаро университети
мустақил изланувчиси, PhD

Аннотация: Мақолада аҳоли даромадларининг табақалашуви ва унинг вужудга келишига сабаб бўлувчи омиллар тизимлаштирилган. Ривожланаётган давлатларда даромадлар тенгсизлигини тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари иқтисодий мактаб вакилларининг илмий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари баҳоланган. Жамиятда тенгсизликнинг шаклланиши ва уни баҳолашда илмий ёндашувлар таҳлил қилинган ва таснифланган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида илмий ёндашувлар шакллантирилган ва устуворлик касб этувчи жиҳатлар тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: аҳоли даромадлари, камбағаллик, фискал сиёсат, даромадлар тақсимоти, даромад солиғи, ижтимоий ҳимоя, инсон тараққиёти, таълим, соғлиқни сақлаш

Annotation. This article systematizes the stratification of household incomes and the underlying factors contributing to it. It presents a comparative analysis of the scientific perspectives of representatives from various economic schools regarding the regulation of income inequality in developing countries, and evaluates their distinctive characteristics. The article also analyzes and classifies scientific approaches to the formation and assessment of inequality in society. Based on the research conducted, relevant scientific approaches have been developed and systematized, highlighting the most prominent aspects.

Keywords: household income, poverty, fiscal policy, income distribution, income tax, social protection, human development, education, healthcare.

Кириш

Ривожланган давлатларда аҳоли даромадларининг тақсимотида мўътадиллик кузатилаётган бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда шбу тенденцияларнинг бироз аксини кузатиш мумкин. Кўплаб ривожланаётган мамлакатларда аҳоли даромадларининг табақаланиши ҳуфёна иқтисодиёт ҳажмининг ошиб бориши фонида янада кескин тус олаётганлигини қайд этиш лозим. Умуман олганда, аҳоли даромадларини тенг тақсимлашга эришишда аввалambор даромадларни мониторинг қила олиш имкониятининг мавжудлиги муҳим ҳисобланади. Аксинча, норасмий иқтисодиёт кўламининг кенгайиб бориши ушбу ҳолатни тескари пропорционалликда ривожланишига олиб келади. Натижада, давлат ўзининг фискал инстирументларини ишга солиши билан даромадлар тенгсизлигини ва камбағалликни қисқартиришда қатор тўсиқларга дуч келиши мумкин бўлади.

Бизнингча, ривожланаётган давлатларда аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланиши ўтиш иқтисодиёти учун хос бўлган тенденциялардек кўринсада, уни бартараф этиш долзарб масала сифатида кун тартибида қолади. Шу боисдан, даромадлар тенгсизлиги ва камбағалликни ривожлантиришга олиб келаётган глобал тажрибадан келиб чиқиб, давлатнинг фискал сиёсатини такомиллаштиришга бўлган заруратни ифодалаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Г.Филдснинг ривожланаётган мамлакатларда даромадлар тақсимоти ва таълимнинг ўзаро боғлиқлиги борасида илмий хулоса ва ёндашувларини ишлаб

чиқишга эътибор қаратади [1]. Унинг фикрича, таълим инсонларнинг малакасини ошишига хизмат қилиб, даромадлар даражасини оширади. Таълимдан фойдаланиш даражаси қанчалик чекланган бўлса тенгсизлик даражаси ҳам шунчалик чекланган бўлишини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, таълимнинг фақатгина юқори даромадли қатлам фарзандлари учун бўлиши даромадлар тенгсизлигини авлодлараро сақланиб қолишига олиб келишини таъкидлаб ўтади. Бироқ, таълимнинг барча учун тенг тақдим этилиши камбағал оилаларнинг фарзандларида даромадлар ошишига олиб келишини асослаб беради. Шу боисдан, давлат ўзининг солиқ сиёсати орқали юқори даромадли аҳоли қатлами даромадини кам даромадлиларнинг таълим олишига йўналтириши мақсадга мувофиқлигини асослашга эътибор қаратади.

Қ.Дао томонидан олиб борилган тадқиқотда ривожланган мамлакатларда инсон капитали, камбағаллик ва даромадлар тақсимоти каби йўналишларни таҳлил қилиб ўтади [2]. Унинг тадқиқоти хулосаларига кўра, камбағаллик даражасига қуйидаги омиллар таъсир этади экан: биринчидан, бошланғич ва ўрта мактабларда гендер тенглиги ошиши камбағаллик даражасини пасайтиради экан. Иккинчидан, болаларда очликнинг камайиши камбағалликни камайтиради. Учинчидан, аҳоли жон бошига ялпи миллий даромаднинг ошиши камбағалликни камайтиради. Тўртинчидан, оналар ва чақалоқлар ўлими кўрсаткичи ортиши камбағалликни оширса, малака оширган тиббий ходимлари фаолияти камбағалликни қисқартиришига хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. Бу эса. ривожланаётган мамлакатларда даромадлар тенгсизлигини камайтиришда инсон капитали омилидан самарали фойдаланиш мумкинлигини ўзида ифодалаб беради.

Х.Балсевен ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотда фискал сиёсатнинг даромад тақсимотига таъсирини баҳолашга эътибор қаратишади [3]. 1990-2014 йилларда 17 ривожланаётган мамлакатларнинг фискал сиёсатининг даромадлар тенгсизлигига таъсирини баҳолашга эътибор қаратади. Ривожланаётган мамлакатларда солиқ сиёсати даромадлар тенгсизлигини бартараф этишда ижобий таъсир этса, иқтисодий ўсиш салбий тасир этиши аниқланади. Бу эса, ривожланаётган мамлакатлар тажрибасида кузатиладиган жадал иқтисодий ўсиш даврида искал сиёсатнинг самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ифодалаб беради.

М.Ричард ва бошқалар биргаликда олиб борган тадқиқотда солиқлар орқали қайта тақсимлашнинг шахсий даромадга таъсирини баҳолашга ҳаракат қилишади [4]. Уларнинг фикрича, шахсий даромадга нисбатан солиқларнинг самарадорлиги юзасидан қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилган. Шахсий даромад солиғи кўплаб ривожланаётган мамлакатларда даромадлар тақсимотига ижобий таъсир этмаган. Ҳуфёна иқтисодиётнинг улуши юқорилиги даромад солиғи фақат расмий даромадга эга бўлганларнинг даромаига солинади. Шахсий даромад солиғининг умумий солиқ даромадларидаги улуши кичиклиги боис даромадларни қайта тақсимлашдаги роли сезиларсиз. Солиқ маъмурчилигининг ушбу турида прогрессив солиқ тизимини жорий этиш қимматлашишга олиб келади экан. Шу боисдан, давлатнинг ижтимоий харажатлари ва истеъмол солиғи хусусиятидаги молиявий сиёсатнинг аҳамиятини ошириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилади.

А.Пугачев томонидан олиб борилган тадқиқотда Россияда даромадлар тенгсизлигини камайтиришда даромад солиғининг аҳамияти ва уни моделлаштиришга нисбатан ёндашувларни шакллантиришга эътибор қаратади [5]. Унга кўра, 1-6 децил гуруҳлари учун, яъни даромади энг кам иш ҳақининг уч баробарида ошмайдиганлар учун солиқдан озод қилинадиган минимумни жорий этишни тавсия этилади. Йиллик даромади 100 млн. рублдан ошадиганлар учун солиқ ставкасини 35 фоиз миқдорида этиб белгилаш орқали давлат бюджети

даромадлари базасини кенгайтириш ва даромадларни тартибга солишни ривожлантиришни таклиф этади.

Проф. С.Худойқулов ва бошқалар ўзларининг тадқиқотида жисмоний шахсларнинг даромад солиғини прогнозлаштиришга қаратилган ёнашувларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилишади [6]. Улар томонидан ҳам Росиянинг тажрибалари ўрганиб чиқилади. Уларга кўра, Россияда маълум даромад гуруҳидан кам ҳажмда даромадга эга бўлган шахслар солиқ имтиёзларига эга эканлигини кўрсатиб ўтишади.

Т.Одинокова ўзининг илмий тадқиқотларида жисмоний шахсарнинг даромадларини солиққа тортиш асосида жамиятдаги тенгсизликни камайтиришга қаратилган ёндашувларини ишлаб чиқади [7]. У томонидан солиқ юкини ҳисоблаш орқали даромадларни тартибга солишга нисбатан мойилликни илгари суради. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг даромадига пропорционал солиқ ставкасини қўллаш орқали даромадларнинг табақаланишини олдини олиш мумкин деган хулосага келади.

Н.Юхно ўзининг илмий мақоласида аҳолининг тенгсизлигини камайтиришда солиққа тортиш муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини крсатиб ўтишга эътибор беради [8]. Шунингдек. Жини кожффициентининг меъёрий даражаларида даромадлар тақсимотига эришиш учун солиқ сиёсатидан самарали фойдаланишнинг заруратини кўрсатиб беришга уринади. Жорий солиқ сиёсати жамиятнинг ижтимоий тенгсизлигини нафақат даромадлар, балки мулк бўйича ҳам тенгсизлигини инобатга олмаётганлиги камбағаллик ва даромадлар тенгсизлиги асосий муаммолардан бири бўлиб қолаётганлигини таъкидлаб ўтади.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда ривожланаётган давлатлар мисолида изланишларимизни амалга оширамиз. Жумладан, Россия Федерацияси иқтисодиёти мисолида даромадлар тақсимоти ва камбағалликка солиқ сиёсатининг таъсирини баҳолаш юзаисдан қатор илмий ёндашувларни кузатиш мумкин.

Россия тажрибаси

Россия Федерациясида қабул қилинган Солиқ кодексига кўра жисмоний шахсларнинг даромадлари Федерал бюджетнинг даромадлари таркибига киритилган. 1998 йилда қабул қилинган мазкур кодекснинг 41-43-моддаларида даромадар манбалари ва шаклларини аниқлаш тўғрисидаги тамойиллар келтириб ўтилган. Унга кўра, мамлакатдан ташқаридаги даромадлар ва ҳар қандай пул ва номоддий кўринишидаги молиявий манфаатга эга бўлиш даромад эканлиги қайд этиб ўтилади. Шунингдек, дивиденд кўринишидаги молиявий манфаатдорлик ҳам жисмоний шахсларнинг даромади тарзида белгилаб қўйилганлигини кўриш мумкин.

2025 йилга келиб жисмоний шахсларнинг даромадларига нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкалари бирмунча табақалаштирилган ҳолда бўлганлигини кўриш мумкин. Унга кўра, солиқ ставкалари 5 фоиздан 35 фоизга қадар таснифланганлигини кўриш мумкин. бунда. Меҳнатга ҳақ тўлашдан олинадиган даромадга нисбатан юқори прогрессив кайфиятнинг шаклланиши ҳукуматда даромадларни тартибга солишга нисбатан юқори мойилликни ифодалайди, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, Россия Федерациясида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкалари 2025 йилдан бошлаб бирмунча таснифланган даражаси ўзгарганлигини кўриш мумкин. Унга кўра, йиллик даромад ҳажмининг табақалаштирилган тарзда тоифаларга ажратилиши ортидан уларга нисбатан солиқ ставкасининг 13-22 фоиз оралиғида қўлланилиши прогрессив солиқ ставкасининг жорий этилишини ўзида ифодалаб беради. Шунингдек, капиталдан олинган дивиденд шаклидаги даромадга нисбатан солиқ ставкасининг кичик миқдорда сақланиб қолиши эса юқори

даромадли аҳоли гуруҳларининг молиявий манфаатдорлиги юқорилигча қолишини ўзида ифодалаб беради. Бундан ташқари қимматли қоғозлардан даромадлардан эса 30 фоиз солиқ тўланиши белгиланиши молия бозоридаги трендларнинг жадаллашувига олиб келади, деб ўйлаймиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Россия Федерациясида шахсий даромадга солиқлар ставкаси [9]

Солиқ ставкаси	Моҳияти
5 фоиз	РФ норезидентлари учун халқаро холдинглардан олган акция бўйича даромад солиғи. Бунда 2019 йил 1 январга қадар олинган даромадлар инобатга олинади.
9 фоиз	2015 йилга қадар дивидендлар, 2007 йил 1 январга қалар эмиссия қилинган ипотека облигациялардан дивидендлар
13 фоиз	2025 йилдан бошлаб мазкур солиқ ставкаси йиллик даромад ҳажми 2,4 млн. рублдан кам бўлганда РФ резидентлари учун қўлланилади
	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромад назарда тутилади
15 фоиз	2025 йилдан бошлаб мазкур солиқ ставкаси йиллик даромад ҳажми 2,4 млн. рублдан кўп ва 5 млн. рублдан кам бўлганда РФ резидентлари учун қўлланилади
	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромад назарда тутилади
18 фоиз	2025 йилдан бошлаб мазкур солиқ ставкаси йиллик даромад ҳажми 5 млн. рублдан кўп ва 20 млн. рублдан кам бўлганда РФ резидентлари учун қўлланилади
	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромад назарда тутилади
20 фоиз	2025 йилдан бошлаб мазкур солиқ ставкаси йиллик даромад ҳажми 20 млн. рублдан кўп ва 50 млн. рублдан кам бўлганда РФ резидентлари учун қўлланилади
	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромад назарда тутилади
22 фоиз	2025 йилдан бошлаб мазкур солиқ ставкаси йиллик даромад ҳажми 50 млн. рублдан кўп бўлганда РФ резидентлари учун қўлланилади
	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромад назарда тутилади
30 фоиз	Россия хўжалик юритувчи субъектлари томонидан чиқарилан қимматли қоғолардан олинган даромад (дивиденд бундан мустасно)
35 фоиз	Лотерея ва бошқа шунга ўхшаш ўйинлардан олинган даромадлар учун солинадиган даромад солиғи ставкаси

Фикримизча, Россия Федерацияси тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимиз тажрибасида қуйидагиларга эътибор қаратиш мумкин, де ўйлаймиз:

Биринчидан, олинадиган даромадлар манбасини таснифларга ажратиш асосида солиққа тортишни назарда тутиш.

Иккинчидан, капитал ва меҳнатдан олинадиган даромад ҳажмининг йиллик нисбатини ҳисоблашни жорий этиш ва унга нисбатан пропорционал солиқ ставкасини татбиқ этиш. Йиллик даромадни жами ҳисоблаган ҳолда солиқ сиёсатини қўллаш мақсадга мувофиқ.


Учинчидан, норезидентлар учун ҳам солиқ сиёсатида даромадларни тартибга солишга нисбатан ёндашувларни инобатга олган ҳолда жорий этиш лозим бўлади.

Хитой тажрибаси

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда Хитой халқ республикаси тажрибасини ўрганишга эътибор қаратамиз. Жаҳон ялпи маҳсулотининг салкам 20 оизга яқинини яратадиган ва ҳозирги кунда юқори технологияларни жадал жорий этиб келаётган давлат сифатида алоҳида қайд этиш лозим. Унинг тажрибасида даромадларни солиққа тортишда пропорционал прогрессив солиқ ставкалари тизими 3-45 фоиз атрофида бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг камбағаллик миқёси Жаҳон банкининг 2017 йилдаги кунлик 2,3 АҚШ доллари бўйича мезон кесимида мавжуд эмаслиги, бироқ 6,85 АҚШ долларлик мезон билан 17 фоиз аҳоли кмбағал эканлигини қайд этиш лозим [10].

Шу нуқтаи назардан, Хитойнинг тажрибасини тадқиқ этиш ва унинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ўзига хос хусусиятга эга деб ўйлаймиз. Умуман олганда, даромаднинг таснифларга ажратилиши қуйидагича бўлишини таъкидлаш лозим: меҳнатга ҳақ тўлаш, мустақил фаолиятдан олинган даромад, дивиденд ва фоизлар, ижарадан даромад ва капиталнинг кўпайишидан тушган даромадлар ҳисобидан шаклланишини кўрсатиш мумкин.

Аҳамиятли жиҳати аҳолининг маълум қатлами даромадининг кичик қисмидан солиқ имтиёзларига эга бўлмасада, барчанинг даромадидан бошланғич минимал даромад қисми солиқлардан озод қилинган. Шунингдек, бир неча манбалардан даромад олувчилар учун солиқ декларациясини топшириш алоҳида мажбурий хусусиятга эга ҳисобланади.



1-расм. 2005-2023 йилларда Хитойда Жини индекси тенденцияси [11]

1-расмдан кўриниб турибдики, Хитойда охирги йилларда Жини коэффициенти бўйича даромадлар тақсимоти тенгсизлигида камайиш юз бераётган бўлсада, унинг тенгликка яқинлашиши учун бир қатор ишлар қилиниши лозимлигини кўрсатиб турибди. Жумладан, 2018 йилдаги солиқ ислоҳотларидан кейинги даврда ушбу индекснинг ошмаётганлигини кўриш мумкин. Бу эса, индвидуал даромадларни солиқлар воситасида қайта тақсимлашга нисбатан ёндашувларни такомиллаштириш муҳим эканлигини ифодалаб беради, деб ўйлаймиз.


Бизнингча, Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий хулосаларни шакллантириш мумкин, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, инсон капиталга инвестицияларни молиявий рағбатлантириш. Бунда инсон капитали омилига қилинадиган қўшимча харажатлар ҳам солиқлардан озод қилиниши лозим. Бунда, фарзандларнинг мактабдан ташқари таълим олишлари, ўз малака оширишлари, бирламчи тиббий хизматлар хусусиятидаги тиббий хизматлар учун қўшимча тўловларни солиқлардан озод қилиш. Шунингдек, ушбу харажатлар ўз ва оила аъзолари учун қилинганда амал қилишини назарда тутиш.

Иккинчидан, солиққа тортилмайдиган даромадлар миқдорининг минимал ва максимал миқдорини белгилаш билан бирга, унинг даврийлигини ҳам киритиш. Масалан, йиллик ҳисобини юритиш каби жиҳатлар. Шунингдек, даромадларни йиллик ҳисобда бўлишини таъминлаш орқали ҳар қандай қонуний манбалардан солиқ ундиришни соддалаштиришга эришиш мумкин бўлади.

Туркия тажрибаси

Ўзбекистоннинг яқин савдо ҳамкорларидан яна бири бу – Туркия давлати ҳисобланади. Туркияда 2022 ҳолатига камбағаллик даражаси 7,8 фоиз даражасига тушганлигини кўриш мумкин. Жаҳон банкининг 6,85 АҚШ доллари мезони бўйича ҳисоблаганда 2012 йилдаги 16 фоизлик миқдорга қараганда ушбу рақам ижобий ҳолат эканлигини ифодалаб беради [12]. 2021 йилда Туркиянинг Хатай вилоятида юз берган ер қимирлаши оқибатларини инобатга олмаган ҳолда мамлакатдаги камбағалликни ҳисобласак ушбу ҳолат мамлакатда ижобий тенденциялар билан шаклланаётганлигини кўрсатиб беради, деб ўйлаймиз.



2-расм. Туркияда моддий ва ижтимоий етишмовчилик даражаси [13]

2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Туркияда камбағаллик даражаси билан ижтимоий ва моддий етишмовчилик бирга ҳисоблаганда ҳолат улуши ошганлигини кўриш мумкин. жумладан, 2021 йилда мамлакатда юз берган йирик фалокат-фавқулодда ҳолатлар камбағаллик даражасини оширганлигини ҳам кузатиш мумкин бўлади. Бу эса, мамлакатда фискал сиёсат ва камбағалликни тартибга солиқлашда ўзаро уйғунликни таъминлаш муҳим эканлигини ифодалаб беради.

Туркияда камбағаллик ва солиқлар воситасида даромадларни қайта тақсимлаш борасидаги қатор тадқиқотларни кўриш мумкин. Улар мавжуд тенденцияларни турли ракурслардан таҳлил қилишга эътибор беришган.

Хулоса

Умумий олиб қараганда, ўрганилган тажриба асосида қуйидаги илмий ёндашувларни таклиф этиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, нол фоизлик даромад солиғи ставксини амалга киритиш. Бунда унинг қўлланилиши мумкин бўлган даромад миқдорини белгилаш.

Иккинчидан, пропорционал прогрессив солиқ ставкаларини ишлаб чиқишда ижтимоий ҳимоя дастури хусусиятини инобатга олиш орқали солиқ чегирмаларини беришни назарда тутиш.

Учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда солиқларнинг қайта тақсимлаш функциясидан самарали фойдаланиш ва эгри солиқларнинг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тўртинчидан, инфляияни таргетлаш орқали уни минималлаштириш қаратилган дастурларни амалга ошириш ва кам даромадли аҳоли қатламининг истеъмолини қўллаб-қувватлашга қаратилган натижаларга эришиш муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли ўртасида даромадларни қайта тақсимлашдаги тенгликка эришишда солиқларнинг роли беқиёс экан. Бунда эгри солиқларнинг ролини пасайтиришга қаратилган чоралар орқали реал истеъмолни оширишга қаратилган ўзгаришлар иқтисодиёт учун муҳим бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Fields, G. S. (1980). Education and income distribution in developing countries: A review of the literature.
2. Quang Dao, M. (2008). Human capital, poverty, and income distribution in developing countries. Journal of economic studies, 35(4), 294-303.
3. Balseven, H., & Tugcu, C. T. (2017). Analyzing the effects of fiscal policy on income distribution: A comparison between developed and developing countries. International Journal of Economics and Financial Issues, 7(2), 377-383.
4. Bird, R. M., & Zolt, E. M. (2004). Redistribution via taxation: The limited role of the personal income tax in developing countries. UCLA L. Rev., 52, 1627.
5. Pugachev, A. A. (2024). Designing Income Taxation to Reduce Income Inequality in Russia: A Modeling Approach. Journal of Tax Reform, 10(2), 381-396.
6. Худойқулов С.К., Бабаев Ш.Б. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини прогноз қилишнинг хориж тажрибаси//Economics and Innovative Technologies. – 2022. – Т. 10. – №. 5. – С. 257-266.
7. Одинокова Т. Д. Прогрессивное налогообложение доходов как возможность решения проблемы социального неравенства граждан в России //Journal of new economy. – 2015. – №. 1 (57). – С. 15-23.
8. Юхно Н. С. Влияние налогообложения доходов физических лиц на социальное неравенство населения Российской Федерации //Аудиторские ведомости. – 2024. – №. 2. – С. 202-206.
9. Тадқиқотлар асосида тузилган. Манба: https://www.nalog.gov.ru/rn77/taxation/taxes/ndfl/
10. World Bank. China Poverty and Equity Brief : October 2024 (English). Poverty and Equity Brief Washington, D.C. : World Bank Group. http://documents.worldbank.org/curated/en/099656501032511659
11. Inequality of income distribution based on the Gini coefficient in China from 2005 to 2023. https://www.statista.com/statistics/250400/inequality-of-income-distribution-in-china-based-on-the-gini-index/
12. Türkiye Poverty and Equity Brief : October 2024 (English). https://documents.worldbank.org/en/publication/documents-

reports/documentdetail/099850001032526747/idu14ac067bc1e7b4144b519a5e1b72a3c0adeaf

13. Poverty in Türkiye remains concerning despite slight improvement in 2024. https://www.turkiyetoday.com/business/poverty-in-turkiye-remains-concerning-despite-slight-improvement-in-2024-99285/